

Elim deb, yurtim deb уониб yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 16-aprel, chorshanba
№ 29 (15771)



Рустам Назарматов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАРТИБОТЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда лицензиялашни ва рұксат этиш характерига эга хужжатларни бериш мөхаллемарини янада соддалаштириш ва арzonлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Савдо-саноат п-

латаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рұксат этиш характерига эга хужжатларнинг алоҳида турларини 1- ва 1-а иловаларга мувофиқ бекор қилиш;

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рұксат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йигимлари миқдорларини 2- ва 3-иоловаларга мувофиқ қисқартириш;

руксат этиш характерига эга хужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботларини янада қисқартириш ва соддлаштириш тўғрисидаги таклифлари 4-иоловага мувофиқ қабул қилинсин.

Этиш характерига эга хужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда:

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда «бир дарча» тамойилини қонун хужжатлари даражасида жорий этишини 5-иоловага мувофиқ таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишини 2014 йилнинг охиригача тамомласин.

(Давоми 2-саҳифада)



Navqiron avlod so'zi

Томиримда ўмарислар қони оқади!

Ўзбекистон дея аталмиш шу жаннатмонанд юртнинг фарзанди — биз, ёшлар бахтиёр авлодмиз. Чунки энг кичик қадамларимиздан то улкан муваффакиятларимизгача доимо бизни суюб, қанот бўладиган Ватанимиз бор.

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида бугун мен каби кўплаб ёшлар дунё спорт ареналарида юқори шоҳсупаларга кўтарилимоқда. Нафакат шаҳар ва туман марказларида, деярли ҳар бир маҳалла замонавий болалар спорт мажмулари фаолият юритмоқда.

Мен ҳам ана шундай барча кулайликларга эга Бухоро туманидаги «Кўчумар» маҳалласида жойлашган спорт мажмусида таэквондо билан мунтазам шуғулланиб келаман. Мураббийим — вилоят таэквондо федерацияси раҳбари Убайдулла Мукаррамов.

Кичик ғалаба ҳам инсонни улкан мэрралар сари руҳлантира олганидек, вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда кетма-кет ютуқларни кўлга киритар эканман, олдимга катта максадлар кўя бошлидим. Мана шу максадларим йўлида қылган тинимиз мөнхатларим ўз самарасини берди. 2010 йилда таэквондонинг ITF йўналишида республика чемпионатида иккинчи, 2011 йилда биринчи ўринни кўлга киритдим. Шундан сўнг чет давлатларда ўтказиладиган мусобақаларга чиқиш учун ўз устимда кўпроқ ишлашга ҳаркат қўлдим ва бунинг натижасида 2012 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида 40 килограмм вазн тоифасида иккинчи ўринга сазовор бўлдим. Утган йили

вилоятимизда ўтказилган ҳалқаро турнирда ўз вазн тоифам бўйича голиб бўлганим профессионал спорт томон кўйилган яна бир қадам бўлди.

Спорт ҳаётимда туб бурилиш ясади. Бошланғич синфларда бироз паст ўзлаштируви болалар сафида турган бўлсан, кейинчалик бу ҳолат ижобий томонга ўзгарди. Биология ва хуқуқшунослик фанлари бўйича билимлар беллашувининг мактаб, туман ва вилоят босқичларида муваффакиятли иштирок этдим.

Эндиғина ўн етти баҳорни қаршилаган бўлишинга қарамай, Ватаним равнаси йўлидаги ҳаракатларим юқори эътироф этилди. Жорий йилда мен Президентимиз қарорига кўра Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим.

Мураббийим «Моҳинур, сен Тўмарисдек жасур момоларимизнинг авлодисан. Томирингда уларнинг қони бор экан, Олимпиада ўйинларида ҳам олтин медаль соҳибасига айланиб, мамлакатимиз номини дунёга таратишинга ишонаман» — деб айтган сўзлари менга далда бўлмоқда.

Юртимизда мен каби куч-ғайрати жўшган, юраги она Ватан ишқи билан ёниб турган ва орзу-ниятлари осмон қадар юксак ёшлар талайгина. Бизларга билдирилаётган ишонч эса бунданда юксакроқ. У бизни янги вазифаларга элтувчи қанот бўлмоқда.

**Моҳинур НАМОЗОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти соҳибаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАРТИБОТЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

3. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун устувор интерактив хизматларни жорий этиш бўйича лойиҳалар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қўйидагиларни таъминласин:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш тартиботларини расмийлаштириши электрон шакла ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро электрон ҳамкорлигини жорий этиш самардорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ишларни мувофиқлаштириш ва тизими мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2014 йилнинг охиригача Коммунал ҳўжалик ва уй-жой фонди порталини электрон тўлов тизимлари ва коммунал хизматларнинг биллинг тизимлари билан бирлаштириш йўли орқали мазкур портални тақомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, реал вақт режимида ўзаро ҳисобкитоблар ҳолати тўғрисида хабар берниш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятларини назарда тутиш;

манфаатдор вазирliklar, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектлари 2013-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури доирасида ишлаб чиқилаётган ахборот тизимларидан бепул

фойдаланиш имкониятини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирliklar, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлari ягона порталида қўйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган маҳсус «тадбиркорлик субъектининг кабинети» ишланиши таъминласин:

молия, солик, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш;

солик ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характеристига эга ҳужжатлар бўйича кўриб чиқишида ва уларни олишда тўланадиган ўйнимларни ва давлат божларини Интернет-банкинг тизими орқали тўлаш;

маълумотномалар олиш ва бошқа интерактив давлат хизматлariдан фойдаланиш.

5. 2014 йил 1 июнядан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамоилини бўйича электрон шаклда қўйидаги жараёнларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тартиб ўрнатилсин:

тадбиркорлик субъектларининг уларни Маҳаллиялаштириш дастурига киритишга доир талабномаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиш;

миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банклари тақдим этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси, Адлия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашшиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиша ортиқча қофозбозликка йўл қўйиш ҳолатлари учун давлат ва

ликда мамлакатимизда янада қулай ишбилар-монлик мухитини яратиш бўйича қабул қилинётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг ёритиш юзасидан ҳар бир ҳудудда тадбирлар ўтказсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини билан биргаликда рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар ва лицензияларни бериш тартиботларни белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга 2014 йил 1 июняча тегишли ўзгартишлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 апрель

ЗУККО, ТОПҚИР ВА БИЛГИР БОЛАЛАР

Ўтган ҳафта «Камалак» билимдонлари танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтди. Танлов жараёни, унда юз берган эътиборли ҳолатлар ва натижалар тўғрисида мухбирларимиз хабар беради.



БУХОРО.

Бухоро шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактабида «Камалак» билимдонлари танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ўн уч жамоа иштирокидаги мазкур кўрик-танлов тўрт шарт асосида ташкил этилди.

Тақдимот деб номланган биринчи шартда жамоалар ўзларини танишиши жараёнида фаолиятига доир альбом ва кўргазмалар, кўрак нишони ҳамда атрибуларини нағойиш этилди. Бунда Когон шахрининг «Шумтакалар», Гиждувон туманининг «Камалак» билимдони, Коровулбозорнинг «Бахти болалик» жамоалари чиқишиларини ҳакамлар юқори баҳолашди.

Кейинги — саҳна кўриниш шарти қизигин кечди. Унда Бухоро шахрининг «Баркамол авлод», Шоғироннинг «Камалак» юлдузлари, Когон туманининг «Камалак» томилари жамоалари юқори баҳога лойик кўрилди.

«Савол-жавоб» шарти ҳам эътиборли бўлди. Чунки бу шартда барча жамоалар ўз билимларини тўла намоён эта олдилар. Сўнгги «Ихтимой лойиҳа» шартида жамоалар «Ҳар кунинг мазмунли ўтсин», «Истеъдод» кўрик-танлови, «Бола-оила-спорт» каби лойиҳаларини тақдим этилди.

Қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган «Камалак» билимдонлари танловининг вилоят босқичида Когон шахрининг «Шумтакалар» жамоаси биринчи ўриннинг кўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этишига эга бўлди. Иккинчи ўрин Бухоро шахрининг «Баркамол авлод» жамоасига наисиб этган бўлса, учинчى ўриннинг Когон туманининг «Камалак» томилари жамоаси муносиб топилди.

Лайло ХАЙТОВА,
«Turkiston» мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Танловнинг маҳаллий босқичларида сараланган жамоалар 12 апрель куни Тошкент шаҳар босқичида ўз билимларини намойиш қилишди. Тошкент шаҳар туманлари жамоалари тўртта — тақдимот, саҳна кўриниши, савол-жавоб, ихтимоий лавҳа шартлари асосида беллашди.

Қизигин ўтган танлов якунига кўра, учинчи ўриннинг Яккасарой, Юнусобод, Сергели туманлари жамоалари эгаллади. Иккинчи ўрин Чилонзор, Ҳамза, Бектемир туманлари жамоаларига наисиб этган бўлса, биринчи ўриннинг Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтохур туманлари жамоалари муносиб топилди. Эндилиқда мазкур учта биринчи ўрин соҳиби бўлган жамоалар ўзаро куч синашади. Шундан сўнг голиб гурух республика босқичига йўлланма олади.

— Тадбир давомида жуда кўплаб кутилмаган совғалар бўлди, бундан хурсандмиз, — дейди танлов иштирокчиси, Шайхонтохур туманининг «Соғлом авлод» жамоаси вакили Дилбар Ҳикматуллаева. — Кўп дўстлар ортиридим. Билмаганларимни ўргандим. Гурухимиз бугун биринчи ўриннинг муносиб топилгандан қувончим чексиз.

Тадбир сўнгидаги голиб жамоалар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланишиди.

Шахло АБДУҚАЮМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



ХОРАЗМ. Хонқа кинотеатрида «Камалак» билимдонлари кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди. Лойиҳа Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда ҳар бир тумандан биттадан — жами ўн битта мактаб жамоаси иштирок этди.

Ўқувчилар тўртта шарт бўйича беллашди. Танлов якунида Янгибозор туманинда 5-мактабнинг «Баркамол авлод» жамоаси 3-ўринни, Урганч шахрида 13-мактабнинг «Камалак қанотлари» жамоаси 2-ўринни кўлга киритиди. Урганч туманинда 38-мактабнинг «Соғлом авлод — юрт бойлиги» жамоаси эса мутлоқ голиб деб топилди. Мазкур жамоа вакиллари танловнинг республика босқичига йўлланма олади.

Наргиза БАХОДИРОВА

КАТТА ЭКРАННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Шу йилнинг 28—30 апрель кунлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан юртимиизда илк маротаба «Кино ва ёшлар» мавзусида ёш киноижодкорлар форуми ўтказилади. Мазкур лойиҳа ўзбек киносинг бугунги ҳолати ва савияси юзасидан жамоатчилик фикрини уйготиш, соҳа мутасаддилари ва ижодкорларнинг яратлаётган киноасарлар учун ижтимоий масъулиятини ошириши, бу борадаги муаммоларни ёшлар иштирокида муҳокама этиб, таклифлар олишга қаратилган.

Республикамизда ҳар йили язга яқин тўлиқ метражли фильм суратга олинади. Улар асосан хусусий киностудияларнинг маҳсулотидир. Ўз навбатида, кино яратा�ётган ижодкорларнинг аксарияти 35 ёшгача бўлган ёшлар. Томошабинларнинг 70 фоизи эса 14-25 яшар йигит-қизлардан иборат. Демак, бугунги кунда киноэкраниларнинг қайси мавзу ёки жанрдаги фильм намойиш этилмасин, уни, аввало, ёшлар кўриб, маънавий озуқа олади. Кино нафақат санъат, балки мағкурага ҳам дахлдор соҳа эканини унутмаслик керак. Сир эмаски, мағкуравий кураш ва зиддиятларга рӯбарӯ келган замонавий дунёда айrim кучлар айнан кино воситасида бошқа мамлакатларга ўз тартиб ва қарашларини сингдиришга ҳаракат қиласяти. Бундай шароитда миллий киноиндустрияни ривожлантириш, ички талабни бадиий ва технологик савияси юқори, давр билан ҳамнафас янги, ғоявий жиҳатдан пишиқ фильмлар ҳисобидан қондириш долзарб масала ҳисобланади.

Айни вактда ёш киноижодкорлар республика форуми олдидан «Камолот» ЁИХ юқоридаги масала юзасидан ёшларнинг фикрини ўрганишоқда. Шу максадда барча таълим муассасаларида хамда www.kamolot.uz сайти орқали ижтимоий сўровлар ўтказилипти. Колаверса, жойларда кинорежиссёр ва актёrlар, киношунос ва кинотанқидчилар

иштирокида учрашувлар ҳам бўлиб ўтмоқда. Якнда Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ташаббуси билан Тошкент темир йўл мұхандислари институтида форум мавзуси доирасида видео-конференция ташкил этилди.

Тадбирга адабиётшун осим, «Жаҳон адабиёти» журналининг бош мұхаррири Шухрат Ризаев, кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зулфикар Мусоқов, актёrlар — Лола Элтоева, Мұхаммадисо Абдулхайров, Асал Шоидиева таклиф этилди. Улар ҳозирги ўзбек киносинг ютуқ ва камчиликлари, киносаноатни ривожлантириш учун давлат томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам, савиясиз фильмлар ва бошқа кўплаб оғрикли масалалар хусусида фикр-мулоҳаза юритиши. Видеоконференцияга бир вактнинг ўзида барча олий таълим муассасалари масофадан уланиб, талабалар киноижодкорларга ўз савол ва таклифларини бера олдилар.

Кўпгина саволлардан ёшлар кинодаги бир хил мавзудалиги ва уларда ҳадеб бир хил қиёфалар намоён бўлишидан қониқмайтгани аён бўлди. Хусусан, охирги йилларда киноэкрандардан тушмай қолган актёр Мұхаммадисо Абдулхайров бунга жавобан шундайдайди:

— Шахсан ўзим ҳеч қачон сценарий танламайман. Ва бирор марта режиссёр ёки продюсер-



Республикамизда ҳар йили юзга яқин тўлиқ метражли фильм суратга олинади. Улар асосан хусусий киностудияларнинг маҳсулотидир. Ўз навбатида, кино яратा�ётган ижодкорларнинг аксарияти 35 ёшгача бўлган ёшлар. Томошабинларнинг 70 фоизи эса 14-25 яшар йигит-қизлардан иборат.

га менга роль берини сўраб илтимос ҳам қилган эмасман. Ўйлашимча, профессионал, ўз устида кўп ишлайдиган, меҳнаткаш актёрга талаб доимо юқори бўлади. Фильмнинг муваффақиятини фақат яши сценарий белгилайди, деган фикрга кўшилмайман. Актёрга ҳам кўп нарса боғлиқ. Борди-ю, ижодий жамоа ҳаваскорлардан иборат бўлса, энг зўр сценарийдан ҳам жўяли фильм чиқмаслиги мумкин.

Кинодаги профессионализм ҳақида режиссёр Зулфикар Мусоқов ҳам ўз сўзини айтди.

— Охирги пайтда соҳамизда уста кўрмаган шогирдлар кўпайиб кетди, — деди у талабалардан бирининг бир марта гина кўришга арзигулик фильмлар ҳақидаги саволига жавоб берар экан. — Умуман олганда, фильмларимиз-

тина улкан меҳнат, машақат махсуси. Кимдир фоянгизни шундайгина ўғирлаб қўйса-ю, бунга қарши мутасаддилар тегишили чора кўрмаётганидан қаттиқ хавотирдаман. Ушбу ҳолатларга чек кўйиш керак.

Урганч ва Термиз давлат университетлари талабалари нега буюк аждодларимиз, тарихимизнинг шонли саҳифалари ҳақида кучли бадиий фильмлар яратилмаётгани билан қизиқдилар. Ўринли эътиrozга Шуҳрат Ризаевнинг жавоби қуидагича бўлди:

— Тарихий фильм олиш ниҳоятда мурakkab жараён. У нафакат ижодий нуқтаи назардан, ташкилий жиҳатдан ҳам юқори тайёргарликни талаб қиласди. Албатта, бундай фильмларнинг бюджети ҳам ниҳоятда катта бўлиши керак. Улар ўнлаб йиллар давомида яратилади. Зоро, киноасарда маълум тарихий даврни тиклаш, аниқлик билан гавдалантириш осон эмас. Ўз навбатида, бу билан уста ижодкорлар шуғулланиши даркор. Бизда тарихий фильмларни яратишга уринишлар бўлди. 90-йиллар бошида Амир Темур ҳақида, 1997 йилда «Ўткан кунлар» фильмини қайтадан суратга олишга ҳаракат қилинди. Афсуски, бу ишга катта истеъодлар киришмагани туфайли, юқоридаги картиналар муваффақият қозонолмади. Мана шундай аччиқ тажрибадан тўғри хуласа чиқаришимиз керак, деб ўйлайман.

Видеоконференция давомида ёшлар яхши фильмлар учун сценарийлар ёзишга ўш драматургларни жалб қилиш, улар ўртасида танловлар ташкил этиш, сценарийнависларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, кинодаги замонамиз қаҳрамони қандай бўлиши кераклиги, болалар учун мўлжалланган фильм ва сериалларни яратиш, кинодаги савиясизлик билан курашида кинотанқидчиларнинг масъулияти каби мавзуларда ҳам мулоҳаза юритиши.

**Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Рустам Назарматов
олган суратлар.**

Қарши шаҳридаги «Динамо» ўйингоҳида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«ХУМО»НИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

Мусобака «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгashi, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими башкармаси, касаба уюшмалари бирлашмаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигига ташкил этилди. Унда Дехқонбод, Нишон, Китоб, Фузор, Шаҳрисабз туманларидаги чегараолди худудда жойлашган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари жамоалари иштирок этди.

Иштирокчилар ўн еттига шарт бўйича беллашди. Мусобака натижаларига кўра, 1-ўринни Нишон курилиш коллежининг «Хумо», 2-ўринни Шаҳрисабз агросаноат коллежининг «Бургут», 3-ўринни Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти қошибдаги Китоб туманиндиғи 3-академик лицейнинг «Лочин-лар» жамоалари кўлга киритди.

Голибларга фахрий ёрлиқ ва эсадлик совғалар топширилди.

**Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири**

Harbiy vatanparvarlik

КУЧ ВА БИЛИМ СИНОВИ

Гулистон шаҳридаги ҳарбий қисмда «Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгashi, «Махалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари, ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигига «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда икки юз нафардан зиёд ўқувчи қатнашди.

Мусобака иштирокчилари автоматни қисмларга ажратиш ва ийиш, бир километрга югуриш, турнирда тортилиш, граната улоқтириш каби топшириқларни баҳариш орқали таълим муассасасида бошланғич ҳарбий тайёргарлик юзасидан маҳоратини синовдан ўтказган бўлса, сиёсий-хукуқий билимдонлик шартида Ватанимиз тарихи, ҳарбий соҳадаги маъёрий-хукуқий ҳужжатлар, ҳарбий интизом, аскарлик мажбуриятлари, ҳарбий бурчга доир билимларини намойиш этишди.

Мусобака натижасига кўра, 1-ўринни Ширин шаҳридан «Бургутлар», 2-ўринни Холос туманидан «Хумо», 3-ўринни Мирзаобод туманидан «Ёш посонлар» жамоалари кўлга киритди.

Голибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсадлик совғалари топширилди.

Элёр ЖҮРАЕВ

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Самарқанд шаҳар босқичида ўн олтига касб-хунар коллеки жамоалари ўзаро беллашди.

2 ТА ЖАМОА ФОЛИБ

Мусобакага Самарқанд ҳарбий қурилиш йўналишидаги академик лицей мезбонлик қилди. Икки кун давомида иштирокчилар узокқа югуриш, саволжавоб каби шартлар бўйича билим ва маҳоратини намойиш этишиди.

Ҳакамлар ҳайъати нақ иккита — Самарқанд қишлоқ ҳужалик коллежининг «Хумо» хамда Самарқанд молия коллежининг «Шунқорлар» жамоаларини голиб деб топди. Самарқанд темир йўл транспорти коллежининг «Ёш темириўлчилар» жамоасига 2-ўрин насиб этди. Самарқанд гидрометеорология коллежининг «Ватанпарвар» жамоаси 3-ўрин билан чекланди.

Сардор ЙУЛДОШЕВ

«Barkamol avlod — 2014»

МЕҲМОН ХУШНУД БЎЛАДИ

Бу йил Наманган вилоятида академик лицеи ва касб-хунар коллеклари спорт-севар ўқувчиларининг севимли мусобақаси — «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.

Ёш спорт муҳлислари уни қандай ҳаяжон билан кутаётган бўлса, мазкур спорт ўйинларининг ҳаммага манзур, қизиқарли ўтиши учун меҳнат қилингандан жалб ўюшмаган ёшлар Наманган шахридаги «Камолот» ёшлар боғида катта тантана билан кутиб олинди. Ёш бунёдкорлар «Пахлавон» сузиш ҳавзаси, Наманган муҳандислик технологиялар институти ошхонаси, Наманган муҳандислик педагогика институти спортзали, Наманган шаҳар 1-тиббиёт коллежи, Давлатобод ен-

ти «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ташкил этилди. Наманган, Андикон, Фарғона вилоятларидан жалб ўюшмаган жами 200 нафар ўюшмаган ёшлар Наманган шахридаги «Камолот» ёшлар боғида катта тантана билан кутиб олинди. Ёш бунёдкорлар «Пахлавон» сузиш ҳавзаси, Наманган муҳандислик технологиялар институти ошхонаси, Наманган муҳандислик педагогика институти спортзали, Наманган шаҳар 1-тиббиёт коллежи, Давлатобод ен-

гил саноат касб-хунар коллежи, Наманган агротадбиркорлик хизмат кўрсатиш коллежи ҳамда Наманган давлат университетининг талабалар тураржойларида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашмоқдалар.

— Катта спорт байрами арафасида шахризизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди «Камолот» ЕИХ Наманган вилоят кенгаши раиси ўринbosari Мухаммаджон Убайдуллаев. — Ушбу бунёдкорлик ишларига вилюятимиз маҳаллаларидаги вақтингча ишсиз юрган юз нафар ёш жалб этилди. Шунингдек, Андикон ва Фарғона вилоятларидан келган юз нафар ҳашарчи ёшлар ҳам меҳнат ҳаракати гурухларида ўз шикоатларини



намойиш этмоқдалар. Уларга иш жойларида ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, ҳар куни улар учун турли маънавий-маърифий, маданий ва спорт-согломлаштириш тадбирлари, тарғибот ишлари, таникли адиллар, санъаткорлар ва спортчилар билан ижодий учрашувлар, концертлар, Наманган вилюятининг дикқатга сазовор жойларига саёҳатлар ва бошқа маданий дастур-

ларни уюштиряпмиз.

Илк кунларданоқ барчага ўрнак бўлаётган андиконлик Авазбек Омонбоев ҳам сухбатимиз чоғида қўйидаги фикрларни билдириди:

— Бизни биринчи кунданоқ катта тантана билан кутиб олишибди. Ёткхона ва бошқа шароитлар ҳам аъло даражада. Биз дўйстларим билан курувчи акаларимизга Наманган агротадбиркорлик хизмат кўрсатиш коллежи ёткоҳнасининг пардозлаш ишларида кўмаклашяпмиз.

Мен бу ерда юртимизнинг янада обод бўлишига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Келгуси мавсумларда ҳам «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида фаолият олиб боришина истардим.

Ёшликка хос шикоат билан бошланган ушбу лойиҳада фаол иштирок этган ёшлар мавсум якуннида диплом ва қиммат баҳо эсдалиқ совғалар билан тақдирланадилар.

Зулайҳо ЗАЙНИДДИНОВА

ЎҚУВЧИНИНГ КАМОЛИ — МУАЛЛИМНИНГ ИҶБОЛИ

Хар куни кўча-кўйда юзлаб, минглаб одамларга кўзимиз тушади. Уларнинг орасида қандай яхши инсонлар борлигини билмаймиз. Уларнинг ҳар бирининг қалбida биттадан гавҳар яшайди, буни ўзлари биладиганлари бор, билмайдиганлари бор. Лекин биз улар ҳақида ҳамиша яхши фикрда бўламиз: уларнинг ҳар бири биз учун бир олам.

Кўпгина танлов ва фан олимпиадалари, спорт мусобакаларини кузатганда кўпинча ўйлаб қоламан: мана шу танловда ўзининг бор иқтидорини кўрсатадиган болани, дейлик, кўчада кўриб қолсан, қанчалик биламан? У қандай инсонларнинг фарзанди, кимнинг тарбиясини олмоқда, қайси фидойи муаллимнинг қўлида ўқир экан? Қайси мактабнинг ўқувчиси?

Шеробод туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига йўл олар эканман, олдимга битта мақсад қўйдим: тумандаги энг илгор мактаблар ҳақида маълумот оламан, уларнинг тажрибасини ўрганаман.

— Истасангиз, туманимиздаги барча мактаблар ҳақида маълумот берамиз, — деди муддаомни тинглагач, туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими муддири ўринbosari Ботош Қиличев. — Лекин ўзингизни қийнаб нима қиласиз? Туманимиз мактаблари фаолияти

ҳақида билмоқчи экансиз, биттасидан бошлай қолинг.

Шундай дея менга Шеробод туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабини тавсия қилишибди. Гап-гап билан бўлиб, туман марказидан анча олисда жойлашган ушбу даргоҳга борадиган бўлдим.

МАКТАБНИНГ ЎРНИ БОШКА...

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 2005 йилда капитал реконструкция қилинган ушбу мактабда 619 нафар ўқувчи 83 нафар малақали педагог қўлида таълимтарбия олмоқда. Уларнинг пухта билим олиши, замон билан ҳамнафас фикрлаши, дунёқарашларининг шаклланишида ўқитувчilar кўллаётган педагогик технология, методларнинг ўрни катта бўлмоқда.

— Ўқувчи оиласида ота-онасидан тарбия олади, aka-opasi қилган ишни қилади, улардан ўрнак олади, лекин мактабдаги таълим-тарбиянинг ўрни бўлакча, — дейди Шеробод ту-

манидаги 28-мактаб директори Насиба Дадаева. — Шу маънода педагогик жамоамиз билан ҳамиша бу масалага жиддий қарашга ҳаракат қиласиз. Мактабимизда устоз-шогирдлик анъанаси яхши йўлга қўйилган, тажрибали муаллимлар ёш ўқитувчиларга ўз тажрибаларидан ўргатади. Ўз навбатида, ёши улуғ устозларимиз ҳам ёшларнинг изланишларини қўллаб-қувватлайди, уларнинг янгиликларини қабул қилишибди.

Ахиллик, ҳамжиҳат, ҳамфирлик педагогик жамоанинг ютуқларига, ўқувчиларнинг билимлар беллашви, фан олимпиадаларида мудафиядиги мудвафқиятларига асос бўляпти.

Ўғил-қизларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун фан тўғараклари фаолият юритмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча спорт жиҳозлари билан таъминланган замонавий спортзал улар ихтиёрида.

КЕРАКЛИСИНИ ТАНЛАШАДИ

Бугунги кунда ахборот манбалари кўп, исталган пайтда радио, телевидение, интернет, матбуот нашрларидан энг сўнгги янгиликларни олиш имкони бор. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳаққоний, тарқатадиган хабарлари рост, ўзларини холис, деб ким айти олади?

Тафаккури ривожланиш босқичидаги ўспиринларнинг ахборотга бўлган ташналигини қондиришда уларга тўғри ва холис ахборот манбаларини кўрсатиб берувчи инсонлар — оилада ота-она, мактабда ўқитувчиларнинг масъулияти жуда ҳам катта. Буни хис қилган Шеробод туманидаги 28-мактаб педагогик жамоаси яхши анъанани йўлга қўйган. Яъни ҳар бир дарс бошланишидан аввал узоги билан беш дақиқа мобайнида синфларда «ахборот дақиқаси» бўлади. Унда ўқитувчilar билан биргалиқда энг сўнгги янгиликларни мухокама қилишибди. Ёш авлод юнгига ижобий таъсир этувчи, тарбиявий аҳамиятга эга хабарлар айтилиб, уларга мулоҳаза билдирилади.

— Бу билан уларнинг замон билан ҳамнафас билим олишлари, фикрлашларига эришишини мақсад қилганимиз, — дейди ўқитувчи, 2013 йилда Шеробод туманида ўтказилган «Энг намунали синф раҳбари» танлови голиби Бўритош Хусиева.

МАКТАБ «ЗАКОВАТ» ЧИЛАРИ

Мактабда «Заковат» интеллектуал ўйини мунтазам ўтказиб келинади.

— Дарсларда олган билимларини ўқувчilar «Заковат» интеллектуал ўйини орқали намоён этишлари мумкин, — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ди-

ректор ўринbosari Малика Қоражонова. — Дастьлаб фақат мактабимиз ўқувчилари ўртасида ташкил этилган бўлса, ҳозир бу ўйинга қизиқиши ортиб, нафақат синфлар ўртасида, балки туманимиз мактаблари, коллежлари ўқувчи ва ўқитувчилари жамоалари ўртасида ҳам ўтказилмоқда.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

— Мактабимиз ташкил топганига олтиши ўйил бўлди, — деде давом этади Малика Қоражонова. — Бу рақам биз учун катта аҳамиятга эга. Масалан, мен ўзим ҳар гал мактаба ҳовлисига кириб келаётганимда бу кутлуғ даргоҳда меҳнат қилган, юзлаб шогирдлар етиштирган табаррук утозларимизни эслайман. Уларнинг хурмати учун мактабимизда «Устозлар боғи»ни ташкил этишини режалаштирганимиз. Аслида бу боғни устозларимизнинг ўзлари ташкил этишган. Масалан, мана бу арчани кўп йиллар мактабимизга директорлик қилган устоз Яхё Қоражонов, мана бунисини эса мактабимизга ўттиз етийил раҳбарлик қилган педагог Искандар Улашев экканлар. «Устозлар боғи»ни ташкил этишни режалаштирганимиз. Аслида бу боғни устозларимизнинг ўзлари ташкил этишган. Масалан, мана бу арчани кўп йиллар мактабимизга директорлик қилган устоз Яхё Қоражонов, мана бунисини эса мактабимизга ўттиз етийил раҳбарлик қилган педагог Искандар Улашев экканлар. «Устозлар боғи»ни очиқ табиат қўйнидаги ўзига хос экология музейи десак ҳам бўлади. Бу ердаги дараҳтлар сонини кўпайтириб, чинакам яшил худудга айлантироғимиз. Бу бизнинг устозларимизга бўлган чуқур эҳтиромимиз рамзи ҳам бўлади.

Хайрли ишларга кўл урайётган, ўзлари хайрли амал билан яшётган мактаб педагогик жамоаси ушбу экологик музейни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ишга тушириши мўлжалламоқда.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири**

Миссионерлик: МАҚСАД ВА МОҲИЯТ

Юртимизда турли динларга эътиқод қилувчилар ўзаро ҳамжихатликда яшаб келмоқда. Энг мураккаб ва оғир шароитларда ҳам диёrimизда диний ёки этник низо сабабидан можаро чиқмаган. Бу ҳол, Юртбошимиз таъбери билан айтганда: «...диний маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланishiга арзигуликдир».

Афсуски, бундай тотувликни кўра олмаётган, динларро турли низолар чиқаришга ҳаракат қилаётган гурухлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири кейинги вақтларда кўп тилга олингаётган миссионерлардир.

Миссионерлик, умумий маънода, бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа динни тарғиб қилишни англатади. «Миссионер» сўзи лотинча «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш» маъносини англатади.

Мавзуга кенгрок тўхталишдан аввал мамлакатимизда эътиқод эркинлиги, диний ташкилотлар фаолиятига оид қонуний меъёрларни эсласак.

Узбекистон Республикаси Конституциясида «Ҳамма учун виждан эркинлиги» кафолатланиб, «диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмас»лиги қайд этилган

(31-модда). Бу эса миссионерлик ва прозелетизм ҳаракатлари Конституциямизга бутунлай зид эканини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунда эса: «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишига қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелетизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилиши» таъкидланиб, «ушбу қоиданинг бузилишига айборд бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилиши» белгилаб кўйилган (5-модда). Демак, қонунга кўра миссионерлик — жиноят!

Шунга қарамай, юртимизда айни шундай жиноятларга қўл ураётган кимсалар йўқ эмас. «Яхова шоҳидлари» деган диний ташкилотнинг фао-

лияти бунга аниқ мисол. Таъкидлаш керак, уларнинг файриқонуний ҳаракатларига Рус православ дини вакиллари ҳам эътиroz билдиришмоқда.

Христианликда миссионерлик VI асрда пайдо бўлган. Улар гўёки маърифат тарқатадилар, тиббий ёрдам кўрсатадилар, аммо моддий босқинчилик сиёсати бўлган асосий мақсадларини яширадилар.

Хозирги кундаги миссионерларнинг бузгунчилик мақсади ҳам эндиликда сир эмас. Уларнинг пуч сафсаталарига учайётган содда одамлар огоҳ бўлсинарки, уларнинг нияти сизни диндор, имони бақувват инсон қилиб тарбиялаш эмас. Чунки моддий манфаатлар йўлидаги бу сиёсий ўйинчиларнинг ўзи диндор эмас. Мақсадини юқорида айтдик: одамларни ҷалғитиб, эътиқод қилаётган динидан оғдириб, ўзлари югурдаклик қилаётган давлат манфаатлари таъсирига туширишдир. Улар ўзларини меҳрибон кўрсатишади. Пулни, вақтни аяшмайди. Масалан, ўзбек тилини ўрганмоқчиман, дейиши мумкин ёки сизга инглиз тилини ўргатаман, деб бепул хизмат таклиф килиди. Моддий жиҳатдан қийналаётган бўлсангиз, дарҳол ҳомийга айланади.

Улар учун ҳар бир одам — алоҳида бойлик. Миссионерлар таълим, соғлиқни сақлаш, бепул ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳаларида фаол ишшага ҳаракат қиласди. Ўзларига нисбатан мойилликни сезгач, аста-секин сиз эътиқод қилаётган динни ёмонлаб, шубҳа уйғотишга интилишади. Ҳатто мавжуд қонуний ҳукумат фаолияти ҳақида нотўғри маълумотлар тарқатишиади.

Миссионерлар ўзлари кириб борган ўлканинг аҳолиси, дини, урф-одатлари, ижтимоий муаммоларини қаттиқ ўрганадилар. Бу борада маҳсус тадқиқот марказларига эга. Улар ҳоҳлаган тилда ва ададда ўзларининг ғоялари сингдирилган адабиётларини чоп этиш имкониятига эга. Энг ёмони, инсон ҳуқуқлари устуорлиги тамоилидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишади. Масалан, қайси давлатда миссионерлик тақиқланса, гўёки у ерда «инсон ҳуқуқлари бузилаётгани» ҳақида дод солишади. Ҳолбуки, халқаро ҳуқуқ нормаларида, хусусан, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»да «Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлигига эга» дейилиши билан бирга, «бу эркинлик бошқа инсонларнинг виждан эркини-

ги дахлислигига рахна солмаслиги шарт»лиги таъкидланган.

Диний эътиқод ўта нозик масала. Диний эътиқодга нисбатан ҳар қандай тажовуз жамият учун ҳам хавфлидир. Дунёнинг айрим мамлакатларида бўлаётган урушлар замирада ҳам диний ёки этник низо ётибди аслида. Шундай экан, эътиқодга қаратилган ҳар қандай тажовузнинг олдини олиш жамиятнинг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Бундай хавфга қарши энг мақбул қурол маърифатдир. Зоро, жаҳолатга қарши маърифат билан курашибгина мақсаддага етиш мумкин. Юртбошимиз айтганларидек: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳуқм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларликка ташлаб кўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳуշёрилик ва жонкурлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳуқмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

**Абдуумутал ОТАБОЕВ,
Ўзбекистон
Мусулмонлари идораси
Жиззах вилоят вакили
ўринбосари**

Ma'rifat

ЎҚУВЧИНГИЗ ҚИЗИҚИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўқувчиларимиз ўртасида ҳаётга енгил муносабатда бўладиган, дунёқарши тор ва юзаки фикрлайдиган ўсмирлар ҳам йўқ эмас. Улар хорижий давлатларда ишлаб чиқариллаётган фильмларни томоша қилиши, тугилган кунларини тантанали тарзда нишонлаш, сигарета чекиши каби ўй-фикр ва зарарли одатлар билан яшайди. Аслида эса ўсмир ҳаётининг қанчалик қизиқарли ва мазмунли ўтиши унинг ҳаракати, интилиши ва қизиқувчанилигига боғлиқ.

Ўсмирларнинг дарсдан ташқари қизиқиши — хобби мактаб давридаёт шакланади. Фақат бу ишга уларни тўғри йўналтириб, йўлйўрик ва кўрсатмалар бериб бориш лозим. Масалан, бадиий ва бошқа турдаги адабиётларни харид қилиш, кўкрак нишонлари ёки почта маркалари, таклифномалар, турли хилдаги ёрликлар, нишонлар ва шу каби нарсаларни тўплаш мақсадга

мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, коллекциядаги буюмлар бир-бирига ўхшамаса, муайян соҳа ёки мавзуга оид бўлса, ўсмир қизиқишини янада кучайтиради.

Бугунги кунда коллежимизда филателистлар тўғарағи фаолият кўрсатмоқда. Тўғарақ аъзолари бир-бирига ўхшамайдиган кўплаб почта маркалари ва шу каби маркаларни тўплаб, альбом ва буклетлар тайёрлашган. Бунинг учун мамлакати-

миздаги бошқа таълим муассасалари ўқувчилари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, хатлар ёзиш, дарсдан бўш вақтда ҳамда таътил кунларида шаҳар дўконларидан марка, ёрлиқ ва открытикалар харид қилиш зарур.

Жиззах шаҳар алоқа бўлимида мухандис бўлиб хизмат қилган, ҳозирда меҳнат фахрийси Степан Петров турли давлардага оид ўттиздан зиёд телефон аппаратини йиқкан. Бу қизиқиши унда ўқувчиларни ҷардадаёткан айборд бўлган.

Фаллаорол туманидаги Муллабулоқ қишлоғида яшаган Абдуқодир Сангировнинг ҳозирги уйи кичик музейни эслатади. Бу ерда араб ва лотин алифбосида чоп этилган адабиётлар, газета ва журнallар тахламлари сақланмоқда.

Қўйтошлик Сайдолим Пирмуҳамедов болалик йилларида фалаж бўлиб тўшакда ётиб қолади. Лекин у тушкунликка тушмай, кўп китоблар мутолаа қилди, улар ёрдамида иродасини тоблади. У хаста бўлишига қарамасдан Ўзбекистон Миллий университетини сиртдан тамомлади. Унинг шахсий кутубхонасида иккимингга яқин турли адабиётлар мавжуд. Ҳозир Са-

идолим ака вафот этган бўлса-да, у тўплаган бадиий китобларидан қишлоқ аҳли баҳраманд бўлиб келмоқда.

Коллежда тиббий ҳамширалик йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчилар ҳам кутубхона ташкил этиб, унда олтмишдан зиёд адабиёт тўплашган. Уларни кўпайтиришда ўқувчилардан Мафтуна Абдуллаева, Лола Фармонова, Сардор Мамадиёров фаоллик кўрсатмоқда.

Кундалик турмушимиз завқли, гўзал ва ранг-баранг. Биз ўқувчиларимизни қанчалик фойдалари ишларга ундасак, қизиқувчанлигини ошира борсак, уларга гўзалликнинг маълум бўлмаган қирралари, сир-синоатлари намоён бўлашади. Бола ниҳолга ўхшайди. Ниҳол тупроқдан, сувдан озука олиб, баравар ривожланади.

Ўсмир ҳам атрофдаги гўзалликлардан баҳраманд бўлиб борса, ўз устида ишласа, дунёқарши кенгаяди. Биз, педагоглар ўқувчиларимизни фойдали машгулотларга жалб қилсак, бурчимизни адо этган бўламиз.

**Бахтинос НОМОЗОВА,
Фаллаорол тиббиёт коллежи ўқитувчisi**

Бугун бот-бот гапирилаётган, ниҳоясиз мунозараларга сабаб бўлаётган ҳодисалардан бири — глобаллашувdir. Чунки ҳеч бир давлат, ҳеч бир инсон глобаллашувни четлаб ўтаётгани йўқ, гўёки ҳамма глобал «қишилoқ»да яшаети, яъни бутун Ер шари бир хил ахборотлар ҳавосидан нафас олаети.

ТАНГАНИНГ УЧИНЧИ ТАРАФИ

Танганинг икки тарафи бўлади, дейишади. Бир қараганда, шундайга ўхшайди. Бироқ синчков одам унинг учинчи томонига ҳам эътибор қаратади. Баҳжалалар бўлса, буни назардан қочиради. Ваҳоланки, ҳозирда инсон онги, тафакурига ҳужум ўша, танганинг учинчи тарафидан ўштирилаётir. Бунга оддий мисол — оммавий маданиятдир.

Дастлаб биз дунёнинг турли бурчакларидан сувдек оқиб келаётган ахборотларни яхши-ёмон, дея гурухларга ажратдик-у, баъзан ахборотлар илдизидаги кўз илғаш қийин бўлган фикр заррачаларини тўлаангл олмадик. Натижада, айрим одамлар оммавий маданият тузогига тушиб қолди, кийиниши, ўзини тушиб, гапириш тарзи ўзгарди.

Хеч ким инкор этмайдиган глобаллашувнинг ижобий қирралари ҳам бор. Ушбу қирраларни фан-техниканинг оммалашуви, масофалараро мулокотнинг кенгайишида қўришишимиз мумкин. Аммо глобаллашув жараёнида баъзи «куч»ларнинг ахборот урушини келтириб чиқараётгани, глобаллашувнинг ижобий томонларига путур етказаверади.

Ҳозирда оммавий ахборот воситаларининг инсон руҳияти, дунёқаршига кучли таъсир кўрсатиши сир эмас. Бу «қурол» воситасида гараз ниятили кишилар қайсиидир давлатга бормасдан, ахборот технологиялари орқали ўша юртта ўз таъсирини ўтказишга уринмоқда, халқини ўз домига тортаётir. Бунда эса инсон маънавияти, руҳияти, нишонга олинайти. Шу боис, ҳар биримиз оғоҳ бўлмоғимиз, ахборот хуружларига маънавиятимиз, билимимиз, юксак интеллектуал салоҳиятимиз билан жавоб қайтармоғимиз керак.

**Ф. МУСАЕВ,
ЎзМУ фалсафа факультети магистранти**

Bolalar sporti

ФОЛИБИККА ҚАДАМ

Турли соҳаларда улкан зафарларга эришган инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрганганимизда бир нарсага амин бўламиш: машаққатлар, турли тўсиқларга қарамай, улар ҳамиша ўз мақсадлари сари интилганлар. Қолаверса, уларни ўраб турган мухит, яқин инсонларининг қўллаб-қувватлашлари ҳам ютуқларга эришилларига ёрдам берган.

Бизнинг мактабда ҳам моҳир спортчи ёки машхур санъаткор, олим бўлман, деган болалар кўп. Уларнинг ёниб турган кўзларига қараб: «Эҳ, боловларим-а, ниятларингиз бунчалар соғ, ишқилиб, уларга етишингизда ҳеч қачон ортга чекиниб қўйманг-да», дегимиз келади.

Шундан кўнглимиз тўқки, бугун янги бир авлод — орзулари юксак, баланд максадларни кўзлаган, истиқол фарзандлари, ватанпарвар ёшлар майдонга келмоқда. Биз меҳнат қилаётган Муборак туманидаги 2-мактабда ҳам ана шундай ўғил-қизлар таълим олаяпти. Жумладан, спортга ҳавасманд ўқувчилар ҳам талайгина. Шулардан биро 8-синф ўқувчиси Жалил Шодмоновдир. 2000 йил 29 ноябрда Муборак туманининг Жейнов қишлоғида туғилган Жалилжон мактабимизда яратиласди шароитлардан фойдаланган ҳолда,

кўплаб тенгдошлари қато-ри спорт билан мунтазам шуғуланиб келаёттир.

Отаси Фарҳод Шодмоновнинг ҳикоя қилишича, у тўрт-беш ёшларидан спортга қизиқиб қолган. Ўғлининг ҳаракатларини кузатган Фарҳод ака уни 2008 йил Муборак туманидаги «Хваран» спорт клубига етаклаб келди. Уни таэквондонинг ВТФ йўналишига қизиқтиришди. Тиришқоқлиги, курашувчанлиги, энг муҳими, интизомлилиги туфайли у кўп муваффақиятларга эришаётган.

Унинг ғалабалари 2009 йилдан бошланди. Ўша иили у Бухородаги «Мусо жаҳон» клубида ўтказилган мусобакада, 2010 йил Хоразм вилоятида ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобакада фаҳрли дипломлар билан тақдирланди.

Жалилжон халқаро мусобакаларда ҳам иштирок этади. Масалан, 2011 йил Корея Республикасида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувда фаҳри

ўринни қўлга кириди.

Жалилжон икки йилдан бери Қарши олимпия захирадари коллежида мураббий С. Зухриддинова қўл остида шуғулланаяпти. Шу билан бирга мактабдаги фанларни ҳам ўзлаштириб боришини канда қилгани йўқ. У она тили, адабиёт, хуқуқ, география, тарих фанларига қизиқади ва яхши ўқиди.

— Жаҳон чемпионати ва Олимпиада ўйинларидан голиб бўлишни истайман, — дейди Муборак туманидаги 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жалилжон Шодмонов. — Унгача эса аввало, Ватан олдидағи йигитлик бурчимни ўтамоқчиман. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўқиб, спортдаги назарий билимларимни ҳам оширишни мақсад қилганман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, мактабимиз барча ўқув жиҳозлари, етарли спорт ан-



жомлари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминланган. Иккита спортзал ёшлар ихтиёрида. Биро ҳунардаги ягона қизлар гимнастика зали бўлса, иккичи умумий спорт зали. Фарзандларимиз ўзлари истаган спорт тўғаракларига қатнаб, маҳоратларини оширмоқда, жисмонан соғлом бўлиб вояга етмоқда. Умид қиласиз, мактабимиздан Жалилжон Шодмонов каби иқтидорли ўқувчилар ҳали кўп етишиб чиқади.

**Ҳазрат ЭЛЕВ,
Муборак туманидаги
2-мактаб директори.
Гулсанам КУРБОНОВА,
ўқув ишлари бўйича
директор ўринбосари.**

Интилганга толе ёр!

Юртимизда тадбиркорларга қулай шароит, инвестицион мухит ва имкониятлар яратилгани сабаб тадбиркорлик кундан-кунга ривож топмоқда. Шундай қулайликлардан фойдаланиб, мана бир неча йилдирки, тадбиркорлик билан шуғуланиб келмоқдамиз.

Ишлаб чиқариш соҳасида ўзимизни сиаб қўриш ниятида 2009 йилда кредит эвазига тош саралаш цехини ишга туширдик. Сўнгра «Курувчи-Шеробод-Стандарт» хуисослашган курилиш-таъмирлаш хусусий корхонасини ташкил қилдик. Аҳолини ҳамда курилиш ташкилотларини сараланган кум

ва тош маҳсулотлари билан таъминлай бошладик. Сифатли ва ҳалол ишласанг, тез таниларкансан, харидорлар, мижозлар кундан-кунга кўпайди. Ҳар ким ўз касби ва соҳасидан келиб чиқсан ҳолда юртимиз равнақига хисса кўшгани каби, биз ҳам юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик

ишларида ўз ҳиссамизни кўшишга ҳаракат қилдик. Ўтган иили кредит эвазига янги ускуналар билан цехимизни кенгайтиридик, олтита иш ўрни яратдик. Ишчиларимиз яшаш ва ишдаги шароити дикқат марказимизда.

Ниятини вактида мақсадга айлантиридик, имкониятлардан оқилона фойдаландик. Интилганга толе ёр экан. Келгусида қурилиш цехимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ҳамиша юртимиз ривожига ҳисса кўшишга ҳаракат қиласиз.

**Эркин САЛОҲИДДИНОВ,
«Курувчи-Шеробод-Стандарт»
корхонаси раҳбари**

лодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади, — дейди коллеж директори Улуғбек Сатторов.

Адабий кечада ўқувчилар Амир Темур ўғитларидан намуналар, саҳна кўринишларини на-мойиш этишиди. Аскарлар ижросидаги бадиий композиция йигилгандарга кўтарилик руҳ бағишилади.

Тадбир сўнгидаги ҳарбий қисм аскарлари муассаса музей билан танишишди.

**Роҳила НОРМАТОВА,
Навоий кончилик
коллеки АРМ раҳбари**

АМИР ТЕМУР — ҒУРУРИМИЗ

Буюк Соҳибқирон Амир Темур тарихда ҳалқни жиспластиришига доир сиёсати, миллӣ давлатчиликни ривожлантиришдаги тутмаган ўйли ҳамда дунё маданияти ва маънавиятига қўшиган бекиёс ҳиссаси билан ёрқин из қолдирди.

Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросини ўрганиш ҳамда миллӣ ғуруrimizni оширишдаги ўрнини ёшлар онгига

сингдириш мақсадида Навоий кончилик коллежида Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 678 йиллигига бағишилаб Навоий шаҳридаги ҳарбий



Фойдали қурилма қашф қилинди

Хитойлик талаба Сян Ренкай компьютер қаршисида қаддини тик тутиш учун мўлжалланган гажетни ишлаб чиқарди.

Статистикадан маълумки, инсон ўйғоклигидаги умрининг кўп қисмини ўтирган ҳолда ўтказади. Бироқ бу пайтда кўпчилик қаддини тўғри тутмаслиги оқибатида, елка ва бўйин оғриғидан азиат чекади. Эндиликда, бу ҳолат учун «Giraffe Friend» қурилмаси бош қотиради. Аникроғи, кийим ёқасига ўрнатилган гажет фойдаланувчи қоматининг ҳолати ҳақида телефонга (ҳозирча фақат «iPhone» моделлари) маълумот узатади. Агар ҳолат кўнгилдагидек бўлмаса, гажет телефонга сигнал юбориш билан бир вақтнинг ўзида қимирлай бошлади. 159 юан дея баҳоланган гажетнинг қуввати юз согатга етади.

Қўнгилсизлик

Нигерия пойтахтидаги автовокзалда содир бўлган икки теракт натижасида 71 киши ҳалок бўлди, 124 киши жароҳатланди.

Маълум бўлишича, портлашлар натижасида 40 та автобусга зарар етган. Шунингдек, ҳалок бўлганлар сони ошиши ҳам мумкин. Мамлакат президенти Гудлак Жоннатан ўз баёнотида амалга оширилаётган хунрезликларга қарши кескин курашишга ваъда берган.

Бир қадам ортга

«Nokia» компанияси тугмачали (сенсор эмас) телефон ишлаб чиқарганини маълум қилди.

Сенсор бўлмаган телефонлар ичидаги энг каттасига айланган «Nokia 225» модели 2,8 дюймли каттагина дисплей ва 100 грамм оғирликка эга. Телефонда FM радиоприёмник, «Bluetooth» ва икки мегапиксел камера мавжуд. Унинг икки сим картага мўлжаллангани ҳам тез орада сотувга чиқиши маълум қиласинди. Қирқ европа баҳоланган телефон қизил, яшил, сариқ, қора ва оқ ранги корпушларда ишлаб чиқарилади.

Ҳимоячи тўти

Лондонда тўтиқуш ўз бекасини жиноятидан қутқариб қолди. Аникроғи, хиёбонда сайр қилиб юрган аёлга ўти жужум қиласиди.

Ўғри аёлнинг сумкасини тортилай бошлаганда тўтиқуш ўғрига ёпишиб, уни чўкимоқчи бўлади. Кўрқиб кетган ўғри шу заҳотиёғ воқеа жойдан қочиб қолади. Полициянинг хабарига кўра, хиёбонда ўғрини ҳайдагани мамлакат тарихида биринчи бор кузатилди.

Интернет манбалари асосида Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади

